

ДУГОНАЛАР БАҲСИ

Қуёш эндигина ётганидан бош кўтарётганда Раҳмонли шоша-пиша тамадди қилди-да, қадрон даласи томон йўл олди. Оппок бўлиб очилган пахтазор уйку оғушида ҳаммаёқ жимжит. Фақат йўл ёқалаб оқаётган ариқдаги зилот сувгина бу сокинликни бузди.

«41 гектар майдонда етиштирилган ҳосилимизнинг чўчи чакки эмас, — дейди ўзини ўзи Раҳмонли, — ҳар кун 5-6 фойздан пахта топширамыз, худо хоҳласа, яқин кунлар ичида ғалаба рапортига имзо чекамиз».

Раҳмонли ўз халқлари билан бўлиб дала ший-понига етиб келганини ҳам билмай қолди. Ший-пон ёнидаги қаторда теримчи қизлар Ҳафизахон Нурматова ва Қумрихон Мамадалиеваларнинг басма-баси авжида эди.

Ҳой ўртоқжон, қақирмай келаврибсиз-да, — дейди Ҳафизахон дугонаси Қумрихонга. — Эрта келганингиз билан бари-бир мендан узоқ-майсиэ.

— Ким илгорлигини ҳали тарази ҳал қилади, ўртоқжон, — дейди Қумрихон ярим ҳазил, ярим чин оҳангда.

Икки дугона теримга киришиб кетди.

Дарҳақиқат, бугун буларнинг қай бири ўзар экан, халқлардан сардор ва дала шийпони томон равона бўлди.

Соат унлардан ошганда бригада механизатори Ғанижон Усмонов тележани беш гектарлик пахтазор ёқасига келтириб қўйди.

Биз Ўзбекистон туманидаги «Пахтақайнар» очик турлати акционерлик жамиятининг Раҳмонли Абдуқодиров етакчилиги қилаётган бригадаси даласига етиб келганимизда тарозион Усмонови Қодиров терилган пахтазорни тортди олиш билан банд эди. Бригада сардори Раҳмонлининг ҳам шу ерда учратдик. Терим илгорлигига қизиқдик. Қумрихон Мамадалиева, Шоирахон Қодирова, Ҳафизахон Нурматова, Ҳанифхон Абдуллаева...

Уларнинг ҳар бири кунига 180-200 килограмдан ошириб пахта термоқда, — дейди Раҳмонли Абдуқоди-

ров. — Пахта пулини ҳам ҳар беш кунда мўмайгина санаб олишяпти.

Дарҳақиқат, Раҳмонли Абдуқодиров етакчилиги қилаётган бригада хўжаликда пахта териб давлатга сотишда пешқадамлик қилаётти. Бригада заршунослари жорий йилда 41 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришни ният қилишган. Бу ерда далада меҳнат қилаётганларга етарли шарт-шароитлар яратилган. Бепул иссиқ овқат, ҳар томонлама шинам дала шийпони пахтакорлар хизматида. Илгорлар моддий жиҳатдан рағбатлантириб борилапти. Терилган пахта учун ҳар беш кунда ҳисоб-китоб ишлари намунали ташкил этилган. Натижада нафақат бригадала, туманда ҳам терим суръати кун сайин ўсмоқда.

Шу кунларда хўжаликнинг қайси бригадасига борманг, ким билан тапшаманг, барчангнинг диққат-эътибори йил ўзи икки ой қилинган меҳнат эъзига етиштирилган ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолдирмай тез ва соз териб олишга қаратилган.

Жорий йилда 867 гектар ерда пахта етиштириб, давлатга 2567 тонна пахта топширишга сўз берганми, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Исмолжон Умаров. — Пахта ҳосилини сифатли териб олиш ҳамда давлатга сотиш бўйича мусобақа ташкил этилди.

Мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб, биринчи ўринни эгаллаган бригадала 5 минг сўм, иккинчи ўринга 3 минг сўм, учинчи ўринга 2 минг сўмдан пул мукофоти қўйилди. Қўп килограмми теримчилар учун ҳам катта миқдорда мукофот ажратилди. Бундан ташқари хашарчилар, транспорт хайдоқчилари ҳам 3 талдан мукофот ташкил қилди.

Бир сўз билан айтганда, хўжалик раҳбарлари теримчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун етарли рағбат қилишяпти. Бунга жавобан теримчилар қўпик терим суръатига-суръат қўшмоқдалар.

Ахмадхон Тўхтасинов, Фаргона вилояти.

ҚАҲРАМОН БОШЛИҚ БРИГАДА ЗАФАРИ

Жиззах туманидаги Қ.Носиров номи жамоа хўжалигининг Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов бошлиқ бригадаси пахтакорлари маррага етди. Мавжуд 81 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олди.

— Республикаимиз мустақиллигининг етти йиллиги байрами арафасида мента давлатимизнинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган эди, — дейди бригада бошлиғи П. Зиётов. — Бу мукофот менинг эмас, балки барча пахтакорларимизнинг юксак меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Пахта топшириш режаси бажарилиди. Ҳали далаларимизда ҳосил мул. Бригаданинг аъзолари яқин хирмонни 300 тоннага етказиш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Йўлчи Жўра, Ўза мухбири.

«ОТАНИНГ ЎҒЛИ ШУНДАЙ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ!»

Жалоллидин ночор Ҳиндистонга ўтиб кетиш учун йўлга отланди. Лекин Синд (Ҳинд) дарёси бўйида кемалар ҳозирланаётган бир пайтда Чингизхон қўшинлари билан орқадан етиб келди. 1221 йил 24 ноябрь кун тарихнинг энг тенг-сиз ва ҳалокатли жангларидан бири бошланди. Муаррих Жувайний бу воқеани шундай таърифлайди: «Тонгда, кун нури тун бетидан кўтарилиб,

қулатарди. Аммо Чингизхон қўшини соат сайин кўпайиб сўриб келди. Султонга эса жавлон уриш учун майдон торайиб борарди. Ахвол танглигини кўриб, нам дийда ва куруқ лаб билан шон-шарафни қурбон берди. Султоннинг тоғаваччаси Ахшам Малик ялғини-ёлвориб уни (ўз қароргоҳига) қайтариб юборди. Султон юрак-бағри қўнғиб, кўзларидан ёш билан фарзандлар ва жигарлар билан видолашди. Сунгга у заҳиралари отини келтиришни буюрди. Унга миниб яна бир бор оғдат уммонда наҳанг мисоли жавлон урди. Мўғул қўшинини чеки-



САМАРҚАНД — СОҒИНЧЛАР ГЎШАСИ

Ўтган йили, 18 октябрда илк бор нишонланган бу байрамни «Самарқанд шаҳри кўни» деб атадилар. Аслида бултурги байрам шукҳи ва таровати самарқандликларни ҳали ҳам тарқ этгани йўқ эди. Бу йилги эса олднгисидан-да, шукҳи ва тароватли бўлди.

Ўтган яқинда қарнай-сурнай садолари шаҳарликларини ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонларни эрта тонгдан байрамга чорлади. Шаҳарнинг барча боғу хибобларидан наҳорги ошлар тортилди. Бу байрам дастурлари ва бошқа талбирларга уланиб кетди. Қайси бирини айтганин «Мўғжиза» дейсизми? «Маврифат чойхонаси» дейсизми? Бўёғи Яшил театру Регистон-гача барча-барчасида томоша-ю кўргазмалар намоиш этилди. Хонанда ва созанда-лар дилдан навоэши этиб, байрамга фойз қиритдилар.

Қадим Регистонда қўп гул уста-хунармандлару чеварлар кўрғи бўлиб ўтди. Ҳамид Олимов номи театрида «Самарқанднома» спектакли намоиш этилди. Ша-

ҳарнинг бошқа кинотеатрларида кун бўйи «Ўзбекфильм»нинг кинолари кўрсатилди. Музейларда кўҳна Самарқанд тарихи ва бугунги ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар очилди. Шунингдек, «Самарқанд кўни» муносабати билан бир неча янги объектлар фойдаланишга топширилди.

Шу кун Самарқанд телевидениеси (СТВ) ижодкорлари эрта тонгдан, кечгача «Она шаҳрим — Самарқандим» телемарафонини ўтказдилар.

Энди бу байрамнинг пайдо бўлишига тўхталсак, икки йил олдин худди шу кунни (18 октябрда) Самарқандликлар Амир Темур орденини топшириш тантанасида Президентимиз бир тақдир эълон эдилар. «Бу кун самарқандликлар учун унутилмас бўлиб қолади.



Балки ушбу кунни Самарқанд шаҳри кўни деб белгиларезилар... Тақдир ҳаммага маъқул тушиб, ўша ернинг ўзидаси бир қарорга келинган эди. Ахир, яқин кунлару байрамларга нима етсин.

Мана, орадан икки йил ўтди. Шу даврда Самарқандда катта ўзгаришлар рўй берди, шаҳар янада чирой очди. Бугун Амир Темур хибони юртдошларимизнинг севимли масканига айланган.

Халқимизнинг қадим оdatларига кўра байрамларда ёрдамга муҳтож оилалардан хабар олинади. Бу йил ҳам ўтган йилги анъаналар унутилмас. Оталик ташкилотлар бунга алоҳида режа асосида тайёргарлик кўргандилар.

Шаҳарнинг боғлари ва хибобларидан байрам кун бўйи давом этиди. Кечга бориб «Динамо» уйингоҳида «Самарқанд кўни»га бағишланган театриштирилган томоша ва санъат усталарининг катта концерти намоиш этилди.

Самарқандликлар кўтулу кунни ўзгача шавқ билан нишонладилар. Соғинчлар гўшаси — Самарқандда ўтган байрамда қатнашиб, биз ҳам бунга амин бўлдик.

Фарҳод Усмонов, «Халқ сўзи» мухбири. Суратлар муаллифи Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ўза).

САБОҚ ҲУҚУҚИЙ МАЛАКА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУР

Ҳозирги ривожланиш жараёнида хўжалик юретиш таълимлари ва усуллари, хўжалик фаолиятида асосий меъон ҳисобланган турли шартномаларни тузиш ҳамда унинг барча талабларига қатъий риоя қилишни ўрганиш, хўжалик низолатини келтириб чиқарадиган сабаблар ва улардан қўтилиш йўллари билан олиш барча учун зарурдир.

Уларни мукамал билиш учун эса чиқаётган қонун, қарор ва фармойишларни ўз хўжалиги фаолияти нуктаи назаридан таҳлил қилиб ўрганишга барча ходимларга имконият яратиб муҳимдир. Хўжалик юретиш жараёнида ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг «Хўжалик ҳуқуқи» ўқув маркази самарали ишларни амалга оширмоқда. Унинг фаолиятида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 февралда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш-техника хизмати қўрсатиш тизимида маъмурий-бошқарув ходимлари сонини қисқартириш тўғрисида» қарориди «таркибий бўлимлар раҳбарлари ва мутахассисларнинг... Олий хўжалик судининг ўқув марказида... бозор иқтисодиёти шартларида хўжалик юретиш принциплари ва усулларида ўқитилишнинг ташкил этиш топширилсин», деб таъкидланган талаблари асосида ташкил қилинган ўқув машғулотлари алоҳида аҳамиятга эга.

Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон ҳиссасдор-

лик-тижорат саноат-қурилиш банки, «Ўзпахтасаноотсотиш» ва бошқа ташкилотларнинг буюртмаси асосида турли муддатли малака ошириш курслари ташкил қилинди.

Ўқув семинарлари «Ўзпахтасаноотсотиш» давлат акциядорлик уюшмаси раҳбарияти томонидан ҳозирги долзарб муаммоларни кенг қамраб олган ҳамда бевосита пахта маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечимига қаратилган мавзуларни ўз ичига олган эди. Бунда шартнома моҳияти, турлари, уни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби, жумладан, контракция, фьючерс, юк ташиш ва етказиб бериш шартномаларининг мазмунини, солиқ солиш, ёки икки ёқлама солиқ солишдан сақланиш, пахта маҳсулотларини экспорт қилишда божхона хизматининг фаолияти, ер қадаси қонуни ва унинг талаблари, пахта заводлари фаолияти, табиати муҳофаза қилиш масалалари, шартномалар бузилганда вужудга келадиган турли низолатни ҳал қилиш учун хўжалик судларида даъвогар ёки жавобгар сифатида қандай ҳужжатлар таъсис қилиш тартиблари ва бошқа кўпгина долзарб маса-

лалар назарий ҳамда амалий мисоллар билан мазкур соҳа мутахассислари ёрдамида атрофлича кенг ёритиб берилди.

Айниқса, жойларда хўжалик судларининг сайёр суд жараёнилари ташкил қилинганлиги тингловчилар учун таъсирли восита сифатида муҳим аҳамият касб этди. Чунки уларнинг сайёр судда бевосита иштирок этиши, даъвогар ва жавобгарларнинг муаммоларини ўз кўзлари билан кўрганликлари, хўжалик судьясининг бу суд жараёнидаги фаолиятини қўлатиш қатнашчиларнинг дунёқараши, хўжалик судлари тўғрисидаги тасавурларининг янада кенгайишига имкон берди.

Наманган, Фаргона, Сурхондарё вилоятлари «Пахта саноотсотиш» акциядорлик жамиятлари раислари ўқув машғулотларини ташкил қилиш, уларда тингловчиларнинг фаол иштирокни таъминладилар. Бир сўз билан айтганда, ҳамма бир мақсад учун, яъни халқимиз ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда шу асосда ватанимиз иқтисодий саломатлигини кўтаришга хизмат қилишнинг тегаранг иш юретишди.


Ўқув машғулотлари якунида ўтказилган сўровномаларда барча қатнашчилар мазкур талбир ўз вақтида ташкил қилинганлигини эътироф этишиб, бундай ўқишлар ҳар олти ойда ёки бир йилда бир марта мунтазам ўтказилиш зарурлигини таъкидлашди.

Шавкат ҲАЙИТОВ, Абдуқалим ҲУКУМОВ.

«ТИКО» ШИФОКОРЛАРГА ХАДЯ ҚИЛИНДИ

Нукус туманидаги «Кердер» жамоа хўжалиги овулдаги шифокорга «Тико» автомашинаси совға қилди. Бу автомобиль мазкур хўжаликка октябрь ойи биринчи ўн кунлиги якунларига кўра шўли ўрим-йигимида голиб чиққанлиги учун берилган эди. Хўжалик аъзолари умумий йиғилишнинг қарори билан мукофот шифокорларга ҳадя қилинди.

(Ўза).




ҚИШЛОҚДА САВДО МАРКАЗИ

Яқинда Ўйчи туманидаги Машад қишлоғида «Наргиз» номи янги савдо маркази иш бошлади. У яқин ҳудудлардаги 30 мингдан ошмиқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда. «Машад» кўп тармоқли ҳусусий фирмасига қарашли ушбу савдо маркази замонавий меъморий услубида қуришган бўлиб, унда харидорлар учун барча қўлайликлар яратилган. Улар мавжуд бўлимлардан озиқ-овқат ҳамда саноат маҳсулотлари, уй-руғзор буюмлари, газлама, тайёр кийимлар ва бошқа кўплаб маҳсулотларни харид қилишлари мумкин.

СУРАТЛАРДА: «Наргиз» савдо марказининг кўриниши; савдо маркази доимо харидорлар билан гавжум.

Шуҳрат ОЛИМОВ (Ўза) олган суратлар.



«ТЕЛКО» қўшма корхонаси таъриф этади:
СИМАИ ВА СИМСИЗ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ
KENWOOD маҳсулотлари

- радиостанциялар,
- ретрансляторлар,
- транк тизимлари,
- локал пейджинг тизимлари,
- телекслар,
- катриджлар (EPSON).

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 25, 7-қават, 702, 707-хоналар.
Тел.: (3712) 34-76-70, 34-75-28, 100-76-71, 100-77-04.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девонининг бош консультанти Хайриддин Султоновга укаси
Зафариддин СУЛТОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МАНГУБЕРДИ

оид айрим қайдлар

тонг сути уфқ кўкрагидан отилиб чиққан пайтда Султон (Жалоллидин) сув ва олов ўртасида қолди. Бир тарафда Синд дарёси, бошқа тарафда оташдек куйдирувчи лашкар. Шунга қарамай Султон ўзини йўқотмади, балки мардонворлик кўрсатди ва ҳозирлаб, уруш ва жанг оловини ёқди; интиқом отини эгарлаб, олишув йўлини таллади. Чингизхоннинг лашкари Амин Малик кўп остидаги ўнг қанотта ҳужум қилди ва жойидан тўғитиб, аксарини ҳалок этди. Амин Малик жонини омон сақлаб қолди учун Пеишвар тарафга қочди. Мўғул қўшини йўлларини тўсиб қўйган эди ва у ярим йўлда улдирилди. Мўғуллар чап қанотни ҳам мағлуб этдилар. Султон марказда 700 нафар жангчи билан тонгдан то кун ярмигача қаттиқ туриб жанг қилди. У чапдан ўнг қанотга от қўйиб, ўнг қанотдан марказга ҳамла қилди ва ҳар ҳамлада бир неча кишини

нишга мажбур этиб, жиловни орқага бурди ва совутини ечиб ташлаб, отқа қамчи урди. Қирғоқдан туриб 10 газ ёки ундан ҳам ортиқ масофадаги дарёга от солди. Довворак арслон мисоли дарёдан кечиб ўтиб, нажот соҳилга етди. Чингизхон унинг дарёдан кечиб ўтганини кўриб, отини дарё қирғоғига елдириб келди. Султон бир шамшир, найза ва қалқон билан дарёдан ўтган эди.

Чингизхон ва жамияки мўғуллар хайратдан қўлларини оғизларига қўйдилар. Чингизхон бу ҳолатни кўриб, ўғилларига юзланди ва хитоб қилди: «Отанинг ўғли шундай бўлмоғи лозим! Сув ва оловнинг икки гирдобидан қутулиб, нажот соҳилга етгани, ундан беаҳд ишлар ва беҳисоб таҳдиқлар тупишжақ».

Насавийнинг тўғушдек беришича, ушбу жангда Жалоллидин худто душман қўшинининг марказига ёриб киришга муваффақ бўлган. Ибн ал-Асир ҳам мўғулларнинг сон

тўплаб, Шимолий Ҳиндистон ҳудудидagi бир қанча давлатлар ҳукмдорларини билан муносабат ўрнатилган ҳаракат қилди. Улар билан бўлган қатор жангларда қўп баланд келган бўлишига қарамай, бу ерда муқим ўрнашсин, иттифоқчилар топшиш мушкул эканлигини англаб, у ердан Эронга, 1224 йили эса Озёрбайжонга келиб, уни забт этди. Шу вақтдан эътиборан Жалоллидиннинг Озёрбайжон ва унга қўшни мамлакатлар (Эрон, Ироқ, Гуржистон, Рум ва ҳоказо) ҳудудларидаги фаолияти бошланди.

Мангуберди ҳаёти ва фаолиятининг бу мураккаб, зиддиятли даври ҳақида сўз борар экан, бир муаммо, яъни унинг дипломатиясига бироз тўхталиб ўтишга тўғри келади. Зеро, айрим таъқиқотчилар Жалоллидиннинг буюк саркарда ва беназир жангчи сифатида эътироф этишлари ҳолда, унинг қўшини мамлакатларга нисбатан тутган

сиёсатга танқидий қарайдилар. Уларнинг фикрига кўра, Жалоллидин дипломатияни ишга солиб, қўшни ҳукмдорлар билан иттифоқ тузиш ўрнига, уларга қарши урушиб, ўз ҳалокатини тезлаштирган.

Аммо, манбалар билан танишган экансиз, бу илгиринг нечоғли мушкул бўлишини таъкидлашга ишонч ҳосил қиласиз. Жалоллидиннинг Бағдод халифалари, Қўния султони Алоуддин Кайқубод, у ака-ука Айюбийлар, Гуржистон подшоҳи Русудана ва бошқа ҳукмдорлар билан иттифоқ тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг натижасиз тугаши қатор сабаб ва омиллар билан боғлиқ. Бу муаммо илмда ҳали яқини ўрганилмаган.

Бироқ Жалоллидиннинг амалга ошай деб турган кўплаб уринишларининг барбод бўлишига бир неча шахсларнинг билиб-билмай қилган хатолари ва очикча тўсқинликлари сабабчи бўлди. Улар орасида Жалоллидиннинг сўнги вазир Шарафмўлк алоҳида ўрин тутди. Тарихий манбаларда айтилишича, унинг айби билан дастлаб халифа ал-Мустансир ва Алоуддин Кайқубод номидан келган эълчилар натижа-сиз қайтдилар. Шарафмўлк ҳатто Кайқубоднинг эълчиларини таҳдирлашга бориб етди. Натижада Кайқубод Жалоллидинга қарши 6 нафар ҳукмдордан иборат кучли иттифоқ тузди. 1230 йилда Ўсишманда иттифоқчилар билан бўлиб ўтган жангда Жалоллидин зафар қўнисида яқин турган бир пайтда негиздир суесташлик қилиб, қаттиқ малубиятга учрайди. Бу пайтда келиб мўғулларнинг Фарба янги юриши бошланган эди. Жалоллидин Малик Ашрафнинг асир олинган укасини ўз элчисини сифатида Малик Ашрафнинг ҳузурига юриб, ундан ёрдам Жалоллидинман» деб эълон қилиб, мўғулларга қарши бош

